

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

**4-2018**  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**А.ЗИЯЕВ**

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши ..... 72

**Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ**

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

**Н.АЛИБОЕВА**

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши ..... 80

---

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ****Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

**А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ**

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

**Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ**

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

**Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ**

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари ..... 96

---

**ИЛМИЙ АХБОРОТ****И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида ..... 100

**А.ЮСУПОВА, С. УКТАМОВ**

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида ..... 102

**Р.УМУРЗАКОВ**

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит ..... 104

**М.САИДАКБАРОВА**

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима ..... 106

**Ф.ОРИПЖОНОВА**

Фарида Афрўз лирикаси ..... 109

**Д.ХОДЖИМЕТОВА**

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

**Л.СИНДОРОВ**

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида ..... 113

**У.УМУРЗАКОВА**

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ**

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

**М.БАҲРОМОВА**

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги ..... 121

**Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА**

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

---

**АДАБИЙ ТАҚВИМ**

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев ..... 127

УДК: 15.07+6.1689-008.434

## НУТҚИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ПСИХОЛОГИК-КОРРЕКЦИОН УСУЛЛАРНИНГ МОСЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ

Э.Мирзажонова, А.Ҳомидов

### Аннотация

Мақола нутқида камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган психологик-коррекцион ишларнинг амалий ва назарий масалаларини ёритишга бағишланган.

### Аннотация

Статья посвящена актуальным вопросам теории и практики применения психолого-коррекционных методик в работе с детьми с нарушениями речи.

### Annotation

The article is devoted to topical issues of theory and practice of development and application of psychological correction methods in dealing with children with speech disorders.

**Таянч сўз ва иборалар:** алоҳида эҳтиёжга эга болалар, хотира, диққат, нутқида камчилиги бўлган болалар, нутқнинг фонетик ва фонематик томонидан бузилиши, анамнез, икки тиллилик - билингвизм, товушлар талаффузининг бузилиши.

**Ключевые слова и выражения:** дети с особыми потребностями, память, внимание, дети с нарушениями речи, фонетико-фонематическое недоразвитие речи, анамнез, двуязычие – билингвизм, нарушение произношения отдельных звуков.

**Keywords and expressions:** children with special needs, memory, attention, children with speech disorders, phonetic-phonemic speech undevelopment, anamnesis, bilingualism, infraction of pronunciation of individual sounds.

XXI аср бошларида кечаётган глобал ижтимоий-иқтисодий ва геосийсий жараёнлар, дунёнинг ғоявий-мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур ва дунёқарашнинг шакллантиришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда таълим-тарбия тизимининг бош мақсади бевосита ижтимоий-гуманитар фанларни пухта биладиган, ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлган, жаҳон майдонида ўз билими орқали рақобатлаша оладиган, ўзининг фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватани ҳамда миллатига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини намоён эта олиш хислатларини мактабгача таълим муассасаларида амалий шакллантиришга йўналтирилган. Ўтган асрда БМТ томонидан 1949 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “Таълим олиш ҳар бир инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи” эканлиги алоҳида эътироф этилган.

1989 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳамма жойда амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро шартнома ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларнинг таълим мазмунини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратиш давлат томонидан назоратга олинган. Бу, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги ва “Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларда ўз ифодасини топади.

Алоҳида таълимга муҳтож болаларни илк ёшдан ташхис қилиш, таълимга тайёрлаш, психологик, тиббий-педагогик ёрдамни комплекс йўналтирилган ҳолда сифатли ташкил этиш, меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, умумтаълим давлат стандартларини махсус таълимнинг барча йўналишларига мослаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда [2]. Халқаро миқёсда алоҳида эҳтиёжга эга болаларга ўз имконият ва қобилияти даражасида махсус ёки умумтаълим муассасаларида таълим бериш, соғлом тенгдошлари орасида интеграциялаш тажрибалари Ўзбекистонда ҳам кенг тарғиб қилиб келинмоқда. Мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни мактабгача таълим

муассасаларига жалб этиш, мактабга тайёрлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат

Э.Мирзажонова – ФарДУ, психология кафедраси ўқитувчиси.  
А.Ҳомидов – ФарДУ, психология йўналиши талабаси.

сиёсатининг устувор вазифаларидан, деб қаралмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз [1]. Бунда мактабгача таълим тизими учун юқори малакали тарбиячи ва мураббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, келажакда етук кадрлар бўлиб вояга етишида мактабгача таълим тарбияси жуда муҳим ўрин тутди.

Давлатимиз томонидан бу тизимга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қисқа вақтда учта йирик ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9-сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарори имзоланган.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришда фақатгина унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашгина эмас, балки мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун тегишли

шароитларни яратиш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш назарда тутилган. Ҳар бир бола учун унинг ривожланишида нуқсон кузатилган тақдирда мактабгача ёшидан оқ таълим шаклини тўғри танлаш, яқка таъсир воситаларини аниқлаш учун чуқур психологик-педагогик ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаслиги масаласи юзасидан Р.Е.Левина, В.К.Орфинская, С.А.Ковшиков ва бошқалар нутқ ривожланишини турли йўналишларда аниқлаб, коррекцион ишлар олиб бориш усуллари кўрсатганлар [6,107-121].

Н.Н.Трауготт “нутқни ривожлантиришни ташкил этиш”; Р.Е. Левина “гапирмайдиган болалар нутқини ўрганиш”; Г.И. Жаренкова эса “нутқнинг тўлиқ ривожланмаслигида грамматик тушунчаларнинг эгаллашдаги қийинчиликлар»ни аниқлаганлар.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаслиги муаммоси юзасидан Ўзбекистон Республикасида Л.Р. Мўминова “Мактабгача тарбия ёшидаги нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда коррекцион-педагогик ишлар” тизимини (1991й), М.Й. Аюпова “Нутқнинг фонетик ва фонематик томонидан бузилиши ва уни бартараф этиш йўллари” юзасидан (1992й); Й.А.Бабаева “Нутқнинг ривожланмаслиги сабабларини икки тиллилик–биллингвизм” натижаси эканлигини ўз тадқиқотларида кўрсатиб берганлар. 1991 йилда И.Г.Веретенникова «Товушлар талаффузининг бузилиши» натижасида грамматик компонентларнинг ривожланмаганлигини ва камчиликларни коррекцион иш орқали бартараф этиш ҳақида илмий изланишлар олиб борганлар.

Х.М.Пўлатова (1994) ўз тадқиқотида “Нутқнинг тўлиқ ривожланмаслигининг сабаби луғат бойлигининг ривожланмаслигидалигини аниқлаб, луғат фаолиятини фаоллаштириш усуллари” ни асослаб берган.

Мактабгача ёшдаги болаларни билиш жараёнларини ўзига хос хусусиятларини

ташхис қилишда “таълимий эксперимент шаклидаги” махсус усулдан фойдаланилади.

Биз тадқиқот ишимизни Қўштепа тумани 14-сонли махсус мактабгача таълим муассасаси тайёрлов гуруҳ болаларида ўтказдик.

Тадқиқотимизда жами тайёрлов гуруҳининг 14 нафар нутқи тўлиқ ривожланмаган тарбияланувчиси иштирок этди. Улардан 8 нафари ўғил болалар, 6 нафари қиз болаларни ташкил этди. Биз нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг хотира ва диққатининг ривожланганлиги ҳолатларига эътибор қаратдик. Бунинг учун «Кўрув хотираси», «Узоқ муддатли хотира», «Белгиларни қўй», «Нуқталарни эслаб қол ва ўз жойига қўйиб чиқ» каби методикалардан фойдаландик. Хотира ва диққат жараёнлари психологияда қўлланиладиган усуллар орқали ўрганилди.

Тадқиқот 3 босқичда олиб борилди: 1-босқичда болалар тарбияланаётган гуруҳининг психолог, логопед, тарбиячиси, ота-оналари билан суҳбат олиб борилди. Болаларнинг ривожланиши ва уларнинг тиббий ҳужжатлари, анамнез ўрганилди; 2-босқичда нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг хотира ва диққат жараёни турли хилдаги методикалар асосида текширилди; 3-босқичда текшириш натижалари хулосалаб, изоҳлаб берилди.

Текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг деярли барчасида психик жараёнларнинг, хусусан, диққат, хотира ва тасаввурнинг ривожланишида камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

«Кўрув хотираси» методикаси бўйича топшириқни жами 14 нафар бола бажарди. Синалувчиларга 12 та турли хил расм ва рақам кўрсатилди. Синалувчи уларга 2 дақиқа мобайнида қараб туриб эслаб қолиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмадан сўнг, улардан ўзи хоҳлаган тартибда ёддан айтиб бериш сўралди.

14 нафар болада ўтказилган хотира методикаси даражаси бўйича бўлинганда:

1 нафар респондент - 16 та расмни жойлашган тартиб бўйича айтиб берди – 5 балл (хотираси жуда юқори, 1- даража); 3-нафар респондент 12 та расмни эслади – 4 балл (хотираси юқори, 2-даража); ) 5 нафар респондент 8 та расмни эслади – 3 балл (хотираси яхши, 3-даража); 3 нафар

респондент 6 та расмни эслади – 2 балл (хотираси паст, 4-даража); 2 нафар респондент 4 та расмни эслади – 1 балл (хотираси ўта паст, 5-даража).

«Узоқ муддатли хотирани текшириш» методикаси бўйича берилган вазифаларни жами болаларнинг 14 нафаридан (100%) 7 нафари (50%) деярли тўлиқ такрорлай олди, болаларнинг қолган 30 % (4 нафар) натижалари меъёридан паст бўлди. Улар берилган жами 12 та сўздан бор-йўғи иккита ёки учтасини эслай олдилар, болаларнинг 20% и (3 нафар)эса топшириқни бажара олмади.

«Белгиларни қўй» методикасида эса 14 нафар (100%) боладан 7 нафари (50%) топшириқни бажара олди, 30% (4 нафар) бола эса йўналтирувчи саволлардан сўнг етишмайдиган белгиларни аниқлади. Болаларнинг 20%и (3та) кўмак билан ҳам топшириқни бажара олмадилар.

«Нуқталарни эслаб қол ва ўз жойига қўйиб чиқ» методикаси бўйича топшириғимизни жами 14 нафар (100%) боладан 30% (4 нафар) бола амалга оширди, 40% (6 нафар) бола ёрдам билан бажарди, 30% (4 нафар) бола эса топшириқни қониқарсиз даражада бажарди.

Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар республикамизда 8 турдаги махсус мактабгача таълим муассасалари ва махсус мактабларда таълим-тарбия олиб келмоқдалар. Хусусан, қулоғи оғир ва заиф эшитувчи болалар, кўзи ожиз, заиф кўрувчи, соқов болалар, оғир нутқий нуқсонларга эга бўлган болалар, олигофрен (ақлан заиф) болалар, ҳаракат таянч тизими бузилган болалар, руҳий ривожланиши сустлашган (РРС) болалар учун махсус мактабгача таълим муассасалари ва махсус мактаблар бўлиб, улар қошида тўгарак ва гуруҳлар ташкил қилинган.

Нутқида нуқсони бўлган болаларни махсус мактабгача таълим муассасаларининг асосий вазифаси алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг билиш фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш улардаги барча аъзолар функцияларини фаол равишда яхшилаш, руҳий жараёнларни, айниқса, хотира ва диққат жараёнларини ижобий таркиб топтириш, камчилиги бор болаларда мустақил мамлакатимиз учун энг зарур асосий сифатларни, баркамолликка ҳамда ахлоқий

одат ва фазилатларини шакллантиришдан иборат. Билиш жараёнларини ривожлантириш учун атроф-олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш ва уни англашни шакллантириш зурур.

Мактабгача тарбия муассасасида соғлом, табиий муҳит яратиш, боланинг тўғри муомаласага киришиши, шахслараро муносабат кўриш иштиёқини орттириш, билиш жараёнини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш мақсадида нафақат теварак-атроф объектлари устида оддий кузатишлар (мушоҳадалар) учун, балки уларни ўрганиш учун ҳам сайрлар, саёҳатлар ўтказиш, шунингдек, диққат ва хотира жараёнлари орқали теварак-атроф объектларини

ўрганишда олган билим, орттирган кўникма ва малакаларни меҳнат фаолиятига йўналтириш, шунингдек, уларнинг жисмоний эҳтиёжларини қондира олиш мотивларини шакллантириш, нутқида нуқсонли бўлган болалар нутқидаги нуқсонларни бартараф этиш ёки енгиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Нутқ ўстиришда хотира ва унинг турлари самарадорлигини ошириш ва фаолият турлари орқали болаларни шунчаки кузатмасликлари, балки предметларни, уларнинг қисмлари, элементларини кўриб, жараёнлар, ҳодисаларни идрок эта бориб, улар тўғрисида мулоҳаза юритишлари талаб этилади.

#### Адабиётлар:

1. Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.
2. “Болажон” таянч дастури. – Т., 2010 .
3. Аюпова М.Й. Логопедия. – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2007.
4. Муминова Л.Р., Амирсайдова Ш., Абидова Н. ва бошқалар. Махсус психология. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.
5. Раҳманова В.С., Нуркелдиева Д.А. Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ижтимоий реабилитацияси. – Т.: РБИММ, 2014.
6. Поварова И.А. Коррекция заикания в играх и тренингах. – Санкт-Петербург, 2005.
7. Колесникова Г.И., Кабарухина И.А. Специальная психология и педагогика. – Ростов-на-Дону, 2007.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).